

Омихта ем ишлаб чиқариш технологияси фанидан якуний назорат саволлари

1. Физикавий ҳолати бўйича омихта ем қандай турларга бўлинади?
2. Натураси 450-480 г/л, намлиги 13% бўлган 1 кг сулининг озуқабоплик кўрсаткичига тенг бўлган шартли бирликни айтинг?
3. Таркиби ва ем хашак қиймати бўйича омихта ем нечта гуруҳга бўлинади?
4. Ҳайвон организмида асосий энергия алмашинувининг манбаи нима?
5. Омихта ем ишлаб чиқариш технологик жараёни қандай операциялардан ташкил топган?
6. Таркибида кўп миқдорда оксил, минерал моддаси ва микроқўшимчалар бўлган омихта емни айтинг?
7. Тўлиқ рационли омихта емни белгисини кўрсатинг?
8. Бир хил омихта ем компонентидан ташкил топган озуқа маҳсулотини айтинг?
9. Омихта ем ва оксил витаминли қўшимчаларни бойитиш учун ишлатиладиган бир хил йирикликда майдаланган микроқўшимча ва тўлдирувчидан таркиб топган аралашмани айтинг?
10. Омихта ем учун қўлланадиган илмий асосланган рецепт асосида ишлаб чиқарилган бир хил йирикликда майдаланган кўп миқдорда оксил, минерал аралашма ва микроқўшимчалардан ташкил топган аралашмани айтинг?
11. Ковшайдиган ҳайвонлар учун омихта емда қўлланиладиган натурал оксилни алмаштирадиган озуқа маҳсулотини айтинг?
12. Ҳайвонларни тўлиқ озуқа, минерал ва биологик актив моддаларга бўлган талабини таъминлайдиган омихта ем саноати маҳсулотини айтинг?
13. Қанақа кўринишдаги омихта емни қўллаганда механик йуқотиш ва ўз-ўзидан сараланиш камаяди?
14. Омихта ем таркибига донли хом ашё сифатида маккажўхори дони неча процент қўшилади?
15. Қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари учун мўлжалланган омихта емга кунжара ва шрот неча фоиз қўшилади?
16. Озиқ-овқат саноати чиқиндиларини омихта емга киритиш миқдори қанча%
17. Шротда экстракцион бензиннинг қолдиги неча фоиз бўлиши керак.
18. Кунжара ва шрот силосларда сақланганда силослар баландлиги қанча бўлиши керак.
19. Балиқ ва гўшт суяги унини омборхоналарда сақлаганда штабеллар баландлиги қандай бўлиши керак.
20. Минерал келиб чиқишли хом ашё, бўр тузларни бўшатишда қандай машиналар ўрнатилади?
21. Омихта ем заводларида ҳаво-ғалвирли сепараторлар ёрдамида дондан қандай аралашмалар ажратилади.

22. Омихта ем ишлаб чиқаришда донли хом-ашё қанақа чиқиндилардан тозаланади.
23. Омихта ем заводларида донсимон хом ашё асосан қанақа машиналарда тозаланади?
24. Омихта ем заводларида йириклиги бўйича бўр, туз, оҳак уни фосфатни назорат қилиш учун қандай машиналар ишлатилади
25. Омихта ем заводларида йириклиги бўйича оғир оқувчан компонентларни-гўшт суюғи уни, балиқ уни, ачитки, шрот ва унли хом ашёларини назорат қилиш учун қандай машиналар ишлатилади
26. Корхоналарда маҳсулотдан металлмагнит аралашмаларни тўла тозаланишини қандай машиналар таъминлайди.
27. Омихта ем ишлаб чиқаришда хом-ашё қанақа машиналарда майдаланади.
28. Омихта ем ишлаб чиқаришда хом- ашё нима учун майдаланади?
29. Тўқмоқли дробилкалар ишининг технологик самарадорлиги қандай конструктив параметрларга боғлиқ
30. Нима учун омихта ем заводларида сули ва арпанинг қобиғини ажратиш жараёни амалга оширилади.
31. Омихта ем заводларида сули ва арпа донининг гул қобиқлари қайси машиналарда ажратилади.
32. Қумалоқланган омихта емдан қайси ҳайвон ва паррандалар учун майдалаб ёрмасимон ун олинади?
33. Ишлаб чиқаришда электроэнергия талаб қиладиган ва оптимал кўрсаткичга эга қумалоқланган омихта емнинг диаметри қанча?
34. Аралаштиргичга 1 тонна гранула учун қанча миқдорда буғ берилади.
35. Прессдан чиқадиган грануланинг температураси ва намлиги қандай бўлиши керак.
36. Пресс-грануляторнинг нормал ишлаши учун омихта емнинг бошланғич намлиги қанча бўлиши керак.
37. Омихта ем ишлаб чиқаришда донсимон хом ашёни тайерлаш оқими қайси жараёнлардан ташкил топган?
38. Премикслар ишлаб чиқаришда тўлдирқвчиларнинг намлиги неча фоиздан ошганда қуритишга юборилади.
39. Карбамид концентратларидан фойдаланишнинг қандай афзалликлари мавжуд
40. Омихта ем рецептлари қандай ишлаб чиқарилади
41. Омихта ем рецептларига қандай номер берилади
42. Озиқ токсикозлари нима
43. Заҳарланишлар қандай гуруҳларга бўлинади
44. омихта емга киритиладиган шрот таркибида гассипол миқдори неча фоиздан ошмаслиги керак?
45. Омихта емга киритиладиган кунжара таркибида гассипол миқдори неча фоиздан ошмаслиги керак?
46. Мелассани неча градусгача қиздириш мумкин?

47. Омихта ем таркибидаги металломагнит аралашмалар миқдорини аниқлаш учун қанча миқдорда намуна олинади?
48. Намликни аниқлаш учун қанча миқдорда намуна олинади?
49. Омихта ем ишлаб чиқаришда донли хом – ашёнинг ўртача сарфи қанча?
50. Омихта ем ишлаб чиқаришда унли хом – ашё сарфи қанча?
51. Донли хом – ашё учун ҳажмий оғирлик неча t/m^3 қабул қилинган?
52. Унли хом – ашё учун ҳажмий оғирлик неча t/m^3 қабул қилинган?
53. Бўр, туз учун ҳажмий оғирлик неча t/m^3 деб қабул қилинган?
54. Оҳак уни учун ҳажмий оғирлик неча t/m^3 қабул қилинган?
55. Сочилувчан омихта ем учун ҳажмий оғирлик неча t/m^3 қабул қилинган?
56. Таркибида қандай модда бўлган протеин тозаланмаган протеин дейилади?
57. бирта товук битта тухум бериши учун ҳар кун неча грамм протеин истеъмол қилиши керак?
58. Омихта ем қандай ускунада кумалоқланади?
59. Омихта емга ёғни қайси ускуна ёрдамида қўшилади?
60. Қайси ускуна ёрдамида омихта ем аралаштирилади?
61. Омихта емга қайси ускуна ёрдамида меласса қўшилади?
62. Омихта емнинг ҳарорати $+20^{\circ}C$ дан юқори бўлган неча кунда назорат қилинади?
63. Омихта емнинг ҳарорати $0^{\circ}C$ да $+20^{\circ}C$ гача бўлганда ҳар неча кунда назорат қилинади?
64. Омихта емнинг ҳарорати $0^{\circ}C$ дан паст бўлганда ҳар неча кунда назорат қилинади?
65. Тўқмоқли майдалагичнинг иши ҳар неча соатда назорат қилинади?
66. Қон унида оксил миқдори қанчагача бўлади?
67. Гўшт суяк ичида оксил миқдори қанчагача бўлади?
68. Балиқ унида оксил миқдори қанчагача бўлади?
69. Технологик усқунанинг талаб қилинган сони қандай топилади?
70. Витаминлардан қайси бири бўй ўстирувчи ҳисобланади?
71. Валли дастгоҳларда тез айланадиган валнинг тезлиги қанча?
72. Валли дастгоҳларда валнинг диаметри қанча?
73. Маккажўхори донида озуқа бирлиги нечага тенг?
74. Буғдой донида озуқа бирлиги нечага тенг?
75. Арпа донида озуқа бирлиги нечага тенг?
76. Сули донида озуқа бирлиги нечага тенг?
77. Жавдар донида озуқа бирлиги нечага тенг?
78. Шоли донида озуқа бирлиги нечага тенг?
79. Синган гуручда озуқа бирлиги нечага тенг?
80. Буғдой кепагида озуқа бирлиги нечага тенг?
81. Пахта шротида озуқа бирлиги нечага тенг?
82. 85 %-ди донли аралашмада озуқа бирлиги нечага тенг?
83. Пичан унида озуқа бирлиги нечага тенг?
84. Бошоқли экинлар таркибида ҳўл протеин миқдори қанчагача?

85. Дуккакли экинлар таркибида хўл протеин миқдори қанчагача?
86. Мойли экинлар таркибида хўл протеин миқдори қанчагача?
87. Донларни зараркунандалар билан зарарланганлиги нечта даража билан белгиланади?
88. Каналар билан зарарланган донларнинг қайси даражасида омихта ем ишлаб чиқаришда қўллаш мумкин?
89. Буғдой донини тегирмонда қайта ишлаганда неча тоифа чиқинди ажратилади?
90. Буғдой донидан ун тортишда неча фоизгача кепак ажратилади?
91. 1 кг карбомит неча кг ҳазм бўлувчи протеинга эквивалент?
92. А1-БИС русумли сепараторларда қанақа элактлар қўлланилади?
93. Ҳайвон организмида енча хил кимёвий элемент аниқланган?
94. Ҳайвон организмида углерод, кислород, водород ва азот неча фоизни ташкил қилади?
95. Премиксларнинг намлиги неча фоиздан ошмаслиги керак?
96. Чўчкалар учун ишлаб чиқариладиган омихта ем таркибига қайси минерал модда қўшиш таъқиқланади?
97. Ғалвирларда жонли кесим коэффициенти қандай аниқланади?
98. Майдаланган хом – ашёлар йириклиги бўйича нечта гуруҳга бўлинади?
99. Хом – ашёларнинг озуқа бирлиги неча килограммга нисбатан аниқланади?
100. Тўлиқ рационли омихта емлар нечта кўринишда ишлаб чиқарилади?